

## **ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Сайидова Гулбахор Мамировна**

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси тингловчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ислохотлар таҳлил қилинган. Солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш мақсадида қабул қилинган концепциялар ва уларнинг амалий натижалари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, мулк даромадларини солиққа тортиш бўйича ҳозирги амалиётда учраётган муаммолар ва уларни ҳал қилиш бўйича таклифлар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *солиққа тортиш, жисмоний шахслар, даромад солиғи, солиқ маъмуриятчилиги, мулкый даромадлар, ижара тўлови, кўчмас мулк*

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье рассматриваются реформы, направленные на совершенствование механизма налогообложения доходов физических лиц в Республике Узбекистан. Приведены данные о концепциях, принятых с целью упрощения налоговой политики и налогового администрирования, и их практических результатах. Также представлены предложения по решению проблем, возникающих в текущей практике налогообложения имущественных доходов.*

**Ключевые слова:** *налогообложение, физические лица, подоходный налог, налоговое администрирование, имущественные доходы, арендная плата, недвижимость*

### **ABSTRACT**

*This article examines the reforms aimed at improving the mechanism for taxing individual incomes in the Republic of Uzbekistan. It provides information on the concepts adopted to simplify tax policy and tax administration, as well as their practical results. Additionally, it presents proposals for addressing issues arising in the current practice of taxing property incomes.*

**Keywords:** *taxation, individuals, income tax, tax administration, property incomes, rental payment, real estate*


Республикада солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга, солиқ солиш тизимини ва тартибини соддалаштиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Чунки, самарали солиққа тортиш тизими ва солиқ органларининг уйғунлашган фаолияти мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини яхшилаш ва иқтисодиётини тезкор ривожлантиришнинг муҳим шартлари бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди ҳамда 2019 йил 1 январдан бошлаб амалда қўлланилмоқда.

Ушбу концепциянинг амалиётга жорий қилиниши натижасида солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини оширишга тўсқинлик қилган бир қатор муаммолар ўз ечимини топди.

Масалан, концепция доирасида ягона ижтимоий тўлов ставкаси 12 фоизгача пасайтирилди, фуқароларнинг Пенсия жамғармасига 8 фоиз миқдоридаги суғурта бадали тўлови бекор қилинди ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг 12 фоиз миқдоридаги ягона ставкаси жорий этилди. Натижада, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юки (39,5 фоиздан 24 фоизгача) камайтирилди.

Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи тўловчилари сонининг 2019 йил 1 январдан бошлаб кескин ошганлиги ушбу концепциянинг амалий натижаси қанчалик самарали эканлигини кўрсатиб турибди (1-расм).



Шунингдек, 2020 йил 1 январдан бошлаб янги тахрирдаги Солиқ кодекси амалга киритилди. Янги тахрирдаги Солиқ кодекси билан бир қатор солиқ солиш механизмлари такомиллаштирилди.

Хусусан, жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида бир мартадан ортиқ сотганда (битим тузилган тақдирда) олинадиган даромадларга солиқ солиш тартиби ҳам ўзгартирилди.

Хусусан, Солиқ кодексининг 378-моддасида солиқ тўловчиларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларга солиқ солиш кетма-кет келадиган ўн икки ойлик давр ичида бир мартадан ортиқ сотишдан олинган даромадга эмас, балки ўттиз олти календарь ойдан кам муддатда солиқ тўловчининг мулкида бўлган турар жойларни сотишдан олинадиган даромадларга нисбатан қўлланилиши белгиланди.

Натижада, кўплаб фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб келган муаммонинг ечилишига, солиқ солишнинг адолатлилик принципи таъминланишига ҳамда солиқ маъмуриятчилигининг соддалаштирилишига эришилди.

Бундан ташқари, яқин қариндош бўлмаган шахслар ўртасида мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текинга олинган кўчмас мулк ва транспорт воситалари бўйича даромадларни жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод қилинган даромадлари таркибидан чиқариб ташланди.

Хусусан, Солиқ кодексининг 378-моддасига асосан яқин қариндош бўлмаган шахслар ўртасидаги мерос ёки ҳадя тартибида, шунингдек текинга олинган кўчмас мулк, автотранспорт воситалари, қимматли қоғозлар, юридик шахсларнинг устав фондларидаги (устав капиталларидаги) улушларга солиқ солиниши белгиланди.

Шунга қарамасдан жисмоний шахсларнинг даромадларини, хусусан мулкӣ даромадларини солиққа тортиш маъмуриятчилигида ҳал қилиниши лозим бўлган қуйидаги бир қатор долзарб масалаларнинг мавжудлиги бугунги солиққа тортиш амалиётида яққол намоён бўлмоқда.

**Биринчидан,** жисмоний шахслар томонидан турар ва нотурар объектларни ижарага беришдан олинган даромадларни яшириш орқали солиқ тўлашдан қочиш ҳолатлари учрамоқда.

Масалан, Мирзо Улуғбек туманида жисмоний шахсларга тегишли нотурар объектларни ҳақиқатда ижарага берилган нарх ва солиқ органларида рўйхатга қўйилган ижара шартномаларидаги нарх билан солиштириганда туман бўйича

жисмоний шахслар томонидан нотурар мулкларнинг ижара шартномалари суммаси ўртача 4 бараварга кам кўрсатилаётганлиги маълум бўлди.

**Иккинчидан**, кўчмас мулкларни сотишдан олинган даромадларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Масалан, М.Улуғбек туманида 2023 йилда сотилган кўчмас мулк объектлари нотариус орқали расмийлаштирилиши таҳлил қилинганда 39,0 фоизи 50 млн.сўмгача сотилганлиги юзасидан олди-сотди шартномалари тузилган. Амалда эса ушбу кўчмас мулк объектларининг бозор баҳоси жуда баланд нархларда.

Шу билан бирга, кўчмас мулк объектлари нотариусда бозор баҳосида расмийлаштирилганда ҳамда мулк қийматининг 1 фоизи миқдориди давлат божи ҳисобланганда амалдагига нисбатан 10 баравар кўп ундирилган бўлар эди.

Кўчмас мулкни ижарага беришдан ва сотишдан ҳақиқатда олинаётган даромадларни солиққа тортиш юзасидан қуйидагилар таклиф қилинади:

**1.** Мол-мулкни ижарага беришнинг қонунчиликда белгиланган ижара тўлови суммаси энг кам миқдорини қайта кўриб чиқиш, бунда:

Тошкент шаҳрида нотурар объектларни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларини 1 кв.м учун зоналарга қараб 50 минг сўмдан 100 минг сўмгача белгилашни назарда тутиш;

**2.** Юридик шахслар учун белгиланган давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари жуда паст миқдорда бўлганлиги сабабли, юридик шахслар – тадбиркорлик субъектлари учун ижара тўловининг алоҳида ставкаларини тасдиқлаш, бунда:

жисмоний шахслар учун белгиланган энг кам миқдорлардан кам бўлмаслигини инобатга олиш;

Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида жисмоний шахсларнинг даромадларини, хусусан мулкый даромадларини солиққа тортишда солиқ маъмуриятчилигининг такомиллаштирилишига эришилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)**

1. "Tax Policy and Administration: Comparative Analysis of Reforms" by John Braithwaite and Valerie Braithwaite (2017). ISBN: 978-1107637416.
2. "The Economic and Fiscal Reforms in Uzbekistan: Achievements and Prospects" by the World Bank Group (2019). Available at: World Bank Reports.
3. "Income Taxation and Policy: Global Trends and Developments" by James R. Hines Jr. (2015). ISBN: 978-0198710662.
4. "Tax Evasion and the Shadow Economy" by Friedrich Schneider and Dominik H. Enste (2018). ISBN: 978-1784719343.